# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 23 май, № 104-105 (7062-7063) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Шойгуни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани, шунингдек, амалий ҳамкорлик томонларни қизиқтирган барча йўналишларда жадал ривожланаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз идоралари, ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасида алоқа ва алмашинувлар фаоллашгани, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада истиқболли кооперация дастурлари ва лойиҳалари биргаликда амалга оширилаётгани, маданий-гуманитар йўналишда самарали ҳамкорлик қилинаётгани алоҳида таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни, жумладан, идоралараро шерикликни янада кенгайтириш, икки томонлама тадбирлар ўтказиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мудофаа вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларини модернизация қилиш ва мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга доир ташаббуслари юқори баҳоланди.

Россия мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қиладиган икки томонлама кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр экани таъкидланди.

**ЎзА.**

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУДОФАА ВАЗИРИ САМАРҚАНДДАГИ ОБИДАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси мудофаа вазири, армия генерали Сергей Шойгу бошчилигидаги делегация 22 май куни Самарқандга келди.

Сергей Шойгу дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Россия Федерацияси мудофаа вазирига Биринчи Президентимиз мангу ором топган Ҳазрати Хизр мажмуасининг бунёд этилиши ва бу ерда қисқа фурсатда амалга оширилган кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Шундан сўнг меҳмон Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон мажмуаси ва бошқа тарихий-маданий ёдгорликларни зиёрат қилди.

Россия Федерацияси мудофаа вазири мамлакатимизда аждодларимиз меросини асраб-авайлаш ва уни келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯНИ УРУШ ЙИЛЛАРИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ БОҒЛАБ ТУРАДИ

*Шу кунларда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Шойгу мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турибди. Россия ҳарбий маҳкамаси раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишларда, жумладан, ҳарбий соҳада мустаҳкамланиб бораётган стратегик шерикликнинг мантиқий давомидир. Зеро, уруш йилларида жасорат кўрсатган ота-боболаримизнинг ёрқин хотираси халқларимиз ва мамлакатларимизни боғлаб туради.*

Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-майор Абдусалом Азизов Россия мудофаа вазири билан учрашувда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Москвага қилган ташрифидан сўнг икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, янги мазмун билан бойиганини таъкидлади. Бу муносабатларга замин ота-боболаримиз елкама-елка туриб, дунёни фашизмдан қутқараётган пайтларда асос солинган. Шунингдек, Россия армиясининг тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

## ДУНЁ НИГОҲИ

# Лиза КЁРТИС: «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КАТТА ИСЛОҲОТЛАР ҚИЛМОҚЧИ, БУНИ ОЛҚИШЛАЙМИЗ»



*АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртис шу йил 15 — 17 май кунлари Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга сафарини ташкиллаштириш ортида турган асосий расмийлардан бири. Расмий ташриф қандай кечганини Вашингтонда ундан яхшироқ биладиган одам йўқ, десак, хато бўлмайди. "Америка овози" шарҳловчиси Навбаҳор Имамова билан суҳбатда Кёртис хоним нафақат учрашувлар, балки бугунги яқинлик ортидаги омиллар ҳақида ҳам сўзлади. АҚШ назарида Ўзбекистон ўзгаришда, янгиланишда давом этади.*

**Навбаҳор Имамова, "Америка овози":** *Биз билан суҳбатлашишга вақт топганингиз учун раҳмат.*

**Лиза Кёртис:** Бажонидил, жуда мамнунман.

**Навбаҳор Имамова:** *АҚШ — Ўзбекистон алоқаларида жуда муҳим бир ҳафтага гувоҳ бўлдик. Президент Мирзиёевнинг ташрифидан қанчалик қониқдингиз?*

**Лиза Кёртис:** Ташриф жуда яхши ўтди. Икки раҳбар тил топишди. Мулоқот сермазмун ҳамда сермаҳсул кечди. Аввало, Президентлар ўзлари гаплашиб олишди, кейин эса вазирлар билан кенгроқ доирада, кенг қамровли музокара бўлди. Афғонистон, ҳарбий ҳамкорлик, иқтисод ва бизнес, ҳуқуқ ҳамда ислоҳотлар — учрашувда буларнинг ҳаммаси муҳокама қилинди.

**Навбаҳор Имамова:** *Президент Трамп Овал кабинетида гапирганида, ҳарбий ҳамкорликни тилга олди, урғуни шунга қаратди. Бу эса кўплаб саволлар уйғотди. Биласиз, ҳуқуқ ташкилотлари биргаликда ва алоҳида Президентни ҳуқуқ билан боғлиқ масалаларга эътибор беришга ундаган эди. Қанча вақт ажратилди бу мавзуга?*

**Лиза Кёртис:** Ҳуқуқ масаласи 15 — 20 киши иштирокидаги кенг қамровли музокарада кўтарилди. Мазкур йиғинда диний эркинлик бўйича махсус элчимиз Сэм Браунбек ҳам қатнашди. Бу арбобни биз атайлаб шу муҳокама учун таклиф қилдик. Президент Шавкат Мирзиёев бу борадаги ижобий қадамларни тилга олди. Сиёсий маҳбуслар озод этилгани, болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга қарши чоралар, ахборот воситаларидаги очилиш. Биласиз, "Америка овози" Ўзбекистонда аккредитация қилинди. Матбуот эркинлиги бобида асталик билан силжишлар бор. Ўзбекистонда прогрессга гувоҳмиз.

(Давоми 3-бетда).

## Эксклюзив интервью

Георгий ПОЛТАВЧЕНКО,
Санкт-Петербург шаҳри губернатори:

# «Бизда ҳамкорлик учун улкан имкониятлар бор»

*Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик нафақат янги бир босқичга кўтарилди, балки сифат жиҳатидан бутунлай ўзга мазмун билан бойиди. Бу каби самарали муносабатлар эса, ўз навбатида, ҳудудларнинг ҳам ўзаро манфаатли алоқаларига кенг йўл очмоқда. Мухбиримиз Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Сергеевич ПОЛТАВЧЕНКО билан учрашиб, икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.*



***— Сиз ўтган йили Ўзбекистонда бўлдингиз. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ҳақида қандай фикрдасиз? Жумладан, ташқи сиёсатнинг фаоллашуви, биринчи галда Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича нима дея оласиз?***

— 2017 йил ноябрда Ўзбекистонга қилган сафарим менда ажойиб таассурот қолдирди. Делегациямизни юртингизда жуда илиқ кутиб олишди. Энг асосийси, кўплаб самарали мулоқотлар ўтказдик. Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан шахсан учрашиш имкониятига эга бўлдим. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тегишли идоралар даражасида эса турли соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этдик. Бу саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, меҳнат миграцияси ҳамда бандлик, соғлиқни сақлаш, ёшларга оид сиёсат, илм-фан ва олий таълим каби масалалардир. Суҳбатларнинг барчаси сермазмун бўлди ҳамда конструктив руҳда ўтди. Ҳар икки томон мулоқот ва биргаликда ишлаш учун тайёр бўлса, келгусида муаммо чиқмайди ҳамда барқарор натижага эришиш осон кечади.

Муҳими, давлатларимиз раҳбарлари томонидан барча йўналишда ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиб берилган. Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил апрелда бўлиб ўтган Кремлдаги учрашуви икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди. Жойлардаги, яъни ҳудудий миқёсдаги раҳбарларнинг вазифаси эса, эришилган келишувларни рўёбга чиқаришдан иборат. Аминманки, бу жараёнда Санкт-Петербург икки мамлакатни янада яқинлаштиришда сезиларли роль ўйнайди. Бу борада анча ишлар ҳам қилинди.

Масалан, жорий йилнинг март ойида шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси бош консуллик идораси очилди. Энди кўп масалаларни шу дипломатик ваколатхона орқали ҳал эта оламиз. Яқин келажакда биз иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни кенгайтириб, гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаймиз.

***— Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ҳудудлараро ҳамкорликка кўмаклашиш тўғрисидаги ҳукуматлараро келишув имзоланди. Ўтган йилнинг ўзида Тошкент вилояти вакилларининг Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград вилоятига ташрифи бўлиб ўтди. Сиз бунда қандай истиқболларни кўрасиз?***

— Бизда ҳамкорлик учун катта имкониятлар бор, деб ҳисоблайман. Кейинги вақтда ҳудудлар ўртасида турли даражадаги мулоқотлар сони ортгани ҳам ана шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ЛОЙИҲА ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ва тасдиқлаш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш тартибини соддалаштириш, шунингдек, капитал қурилишда пудратчиларнинг роли ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг давлат ривожланиш дастурларига киритилган лойиҳаларни фойдаланишга "тайёр ҳолда топшириш" шарти асосида (Engineering Procurement Construction) (кейинги ўринларда — EPC-пудратчилар) "fast-track" услубида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) реализация қилишда пудратчиларга, жумладан, хорижий пудратчиларга қурилиш соҳасидаги тегишли лицензиялар ва (ёки) рухсатномаларни олмасдан, лойиҳаларни сифатли амалга ошириш бўйича тўлиқ жавобгарликни EPC-пудратчиларга юклаш шарти билан бир марталик рухсат беришга ҳақли;

EPC-пудратчилар "fast-track" услубида лойиҳаларни реализация қилиш учун рухсат олишда шу каби лойиҳалар бўйича амалий тажрибага, муайян молиявий кўрсаткичлар ва малакали муҳандислар таркибига эга бўлиши ҳамда Агентлик томонидан белгиланган бошқа мезонларга мос келиши шарт;

Архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш Агентлик томонидан амалга оширилади.

2. Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш фаолиятини лицензиялаш бекор қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон иловасида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази (кейинги ўринларда — Марказ) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказадиган шахсларни аккредитациялашга масъул орган ҳисобланади;

Агентлик давлат буюртмачиси ва "fast-track" услубида лойиҳаларни реализация қилишга рухсат олган EPC-пудратчиси ўртасида давлат харидлари ҳақида тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат беришга ҳақли.

4. Марказга "fast-track" услубида лойиҳаларни реализация қилишга рухсат олган EPC-пудратчилар томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ва (ёки) миллий норматив ҳужжатлардан фойдаланиш талабларини белгилаш ҳамда келишиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги "Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5392-сонли Фармони учинчи бандининг бешинчи хатбошиси ҳамда унинг 1-иловаси ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

6. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳамда қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш учун киритишни;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритишни таъминласин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 22 май

## Муносабат

# ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛГАН ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА БЎЛАДИ

*Давлатимиз раҳбарининг халқ билан мулоқот қилиш, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 19-20 май кунлари Андижон вилоятига қилган ташрифини юртдошларимиз оммавий ахборот воситалари орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Айниқса, Президентимизнинг вилоятда 50 мингта янги иш ўринлари яратиш белгиланганлиги ҳамда шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш кўзда тутилгани борасида билдирган фикрлари андижонликларни тўлқинлантириб юборди. Эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.*

*Буни улардан айримларининг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.*

**Розияхон ОТАБЕКОВА, Андижон туманидаги "Milana textile" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Дастлаб ўз хонадонимда беш нафар ишчи билан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик. Ўтган йиллар мобайнида фаолиятимизни муттасил кенгайтириб боришга ҳаракат қилдик. Бунда халқаро тажрибани чуқур ўргандик. Маҳаллий ҳокимият кўмаги билан фойдаланилмаётган уч қаватли бинони мукаммал таъмирлаб, замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этдик. Айни пайтда корхонамизда 220 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Улар томонидан тайёрланаётган 20 турдан ортиқ бежирим либосларнинг 80 фоизини экспортга йўналтирмоқдамиз. Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва имтиёзлар муваффақиятларимизнинг ягона омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг корхонамизга ташриф буюриб, ютуқларимиз билан танишиш чоғида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури концепциясини вилоятимизда татбиқ этиш борасида билдирган таклифлари ҳаммамизни руҳлантириб юборди.

(Давоми 4-бетда).

Лиза КЁРТИС:

# «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КАТТА ИСЛОҲОТЛАР ҚИЛМОҚЧИ, БУНИ ОЛҚИШЛАЙМИЗ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ҳақда давлат раҳбаридан эшитдик. Лекин муаммолар ва саволлар талай, айниқса, диний эркинлик юзасидан. Бу соҳада ҳам олдинга қадам ташланади, деган умиддамиз. Ўзбекистон қай йўлдан кетаётганини тушунтирди. Қизғин муҳокама кечди.

**Навбаҳор Имамова:** *Ўзбекистон делегацияси, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзи ҳам ислоҳотлар давридаги қийинчиликлар хусусида гапиришга тайёр эканини айтди. Мулоқотда, масалан, қандай қийинчиликлар ҳақида гап кетди?*

**Лиза Кёртис:** Диний эркинлик масаласидаги қийинчиликларга тўхталишди. Ўзбекистон учун бу нозик масала экани аниқ. Ўзбекистон бу борада, биласиз, Давлат департаментининг диний эркинлик ҳақидаги ҳисоботида “Алоҳида хавотирга молик мамлакат” деб белгиланган. Яқин ойларда бу борада прогресс бўлади, деган умиддамиз. Ўзбекистон олдидаги синов бу.

Шавкат Мирзиёев эътиборни Ўзбекистон шу кунгача босиб ўтган йўлга қаратди. У раҳбарликка келганига бир ярим йил бўлди. Ислоҳотлар бошлаб, қўлдан келган барча ишни қилмоқда. Ўзгаришлар, ислоҳотлар самара бериши учун эса вақт зарур. Биз бу ҳақда гаплашдик. Қолаверса, Афғонистон масаласи ҳам муҳим. Ҳарбий ҳамкорлик ҳақида эслатдингиз. Президент Трамп учун бу масалалар жуда муҳим.

**Навбаҳор Имамова:** *17 май куни Президент Мирзиёев Мудофаа вазирлигида бўлди. Бир кун олдин “АҚШ ва Ўзбекистон орасида янгича стратегик ҳамкорлик бошланмоқда”, дея эълон қилинди. Қўшма баёнотни ўқидик. Бу қандай келишув? Имзоланмаган, шундайми?*

**Лиза Кёртис:** Мақсад — стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаш. 16 йил олдин шундай келишувга эришилган. Шундан бери ҳамкорлик авж олган, пасайган даврлар бўлган. Бу расмий ташриф янги саҳифа очди. Бу бир келишувдан иборат нарса эмас, лекин Қўшма баёнот бу шериклик ортидаги мақсад ва манфаатларни ўз ичига олади. Унинг кучи шунда, яъни дунёга биз, икки давлат, қатор муҳим йўналишларда бирга ишлаймиз ва бир-биримизни яқиндан қўллаб-қувватлаймиз, дея баён этдик. Ишончли шериклар бўлишга бел боғлаганмиз.

Ўзбекистоннинг АҚШ бизнесларига қизиқиши катта. Музокаралардан аёнки, АҚШ Ўзбекистонда иқтисодий эркинлик ҳамда имкониятлар кенгайишини истайди. Ислоҳотлар бошланган, биламиз, лекин ҳали кўп ҳаракат қилиш керак. Интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи борасида, мисол учун, дадил қадамлар ташланиши лозим. Компанияларимиз кириши учун бу ўта зарур талаб. Қонун устуворлиги ниҳоятда долзарб. Шартномалар бузилмаслиги ва битимлар белгиланганидек амалга ошиши кафолатланиши зарур. Президент Шавкат Мирзиёев бу борада катта ислоҳотлар қилмоқчи, буни олқишлаймиз. У ташқаридан кўпроқ сармоя жалб этмоқчи. Бунинг учун эса мамлакатдаги бизнес муҳити ҳамда умумий шароит яхшиланиши керак.

**Навбаҳор Имамова:** *Ҳарбий ҳамкорликнинг шартлари нимадан иборат? Ўзбекистон Шимолий таъминот тизимидаги (Афғонистонга noҳарбий юк ташиладиган йўналиш) ҳиссасини оширмоқчи, биламиз. Бу борада бир неча йиллик тажрибага эга. Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ унга ҳарбий ёрдам беришини хоҳлайди. Нимага асосан?*

**Лиза Кёртис:** Ҳар қандай ҳарбий ҳамкорлик ҳуқуқ нормаларига қанчалик риоя қилинаётганига қараб берилади. Биз, аввало, бир-биримизнинг тизимларимизни изчил ўрганиб, мана шундай ҳамкорликни қандай олиб бориш ҳақида келишиб олишимиз керак. Қатор масалаларда келишиб олдик, энди уларнинг устида ишлашимиз лозим. Жараён мураккаб. Вашингтонда ҳам қилинадиган ишлар кўп — масалан, тўсиқлар. Улар олиб ташланмас экан, Президент Трампнинг қўли боғланган. Ўзбекистон билан мудофаа ва ҳарбий савдо бўйича ҳамкорлик қилиш учун бу ерда, сиёсий жиҳатдан, йўл очилиши керак.

**Навбаҳор Имамова:** *Конгресс маъқуллаши керак буни, тўғрими?*

**Лиза Кёртис:** Худди шундай. Ҳар икки томон бунга эришиш учун тер тўкиши керак. Потенциал бор, хоҳиш бор. Ўзбекистон ўз чегараларини мустаҳкамлаш учун ёрдамга муҳтож. Афғонистон билан чегара у қадар узун эмас, лекин борини ҳам ҳимоя қилиш керак. Биз эса мадад кўрсатишни истаймиз. Терроризмга қарши курашда яқиндан ишлашни истаймиз. Бу эса ҳуқуқ-тартибот соҳаси билан боғлиқ. Мазкур масаладаги ҳар қандай келишув икки томоннинг манфаатларини ҳисобга олиши зарур. Терроризм ҳар икки томон учун бирдек таҳдид.

**Навбаҳор Имамова:** *Президент Трамп ва Президент Мирзиёев тил топишди, дедингиз. Америка раҳбари қачон Марказий Осиёга сафар қилади? Шу кунгача бирор Президент минтақага бормаган. Ҳозиргидек дамларда одамлар “Америка раҳбари қачон келар экан?” деб ўйланади. Минтақа АҚШ учун муҳим деган гапни кўп эшитамиз.*

**Лиза Кёртис:** Тўғри, Трамп маъмурияти учун Марказий Осиё ниҳоятда муҳим минтақа. Январь ойида Президент Назарбоев келиб кетди, мана ҳозир Ўзбекистон Президенти. Минтақа биз учун аҳамиятли ҳамда у ерда кўплаб имкониятлар кўрамиз. Ривожланаётган, янги бозорлар очилаётган ҳудуд. Америка бизнеслари ва сармоясига талаб кучли. Марказий Осиё ўзгармоқда, айниқса, Ўзбекистон. Президент Мирзиёев бошчилигида ислоҳотлар олиб борилаяпти. Афғонистон келажаги ҳам бу минтақа билан боғлиқ. Марказий Осиё қанчалик олдинга силжиса, Афғонистон учун шунчалик яхши.

Америка ўз нуфузига эга бўлишни, Евросиёнинг юраги ҳисобланмиш минтақа билан кучли ришталар боғлашни хоҳлайди. Президентимиз у ерга қачон боришини айта олмайман, лекин ишончим комилки, раҳбариятимиз Марказий Осиёга жиддий қараб, унинг аҳамиятини юқори баҳолайди.

**Вашингтондан**
**«Халқ сўзи» учун махсус.**

# ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК

## Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларининг устувор йўналишлари ҳисобланади

**Халқ сўзи**
**Народное слово**
**йўлланмаси билан**

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалга оширган тарихий ташрифи икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди.*

*Уч кунлик ташриф дастурига эътибор қаратилса, унинг ҳар бир куни жуда тиғиз эди. Шунга қарамай, музокаралар самарали ва сермазмун кечди. Қатор нуфузли оммавий ахборот воситалари, хусусан, АҚШ телеканаллари олий даражадаги учрашувда кузатилган самимий муҳитга алоҳида аҳамият берди. Чунки Дональд Трамп Ўзбекистон Президентини кутиб олишдан тортиб, мулоқот чоғида ҳамда давлатимиз раҳбарини кузатиб қўйишгача бўлган жараёнда юксак ҳурмат кўрсатди. АҚШ раҳбари Юртбошимизни қабул қилишни ўзи учун шараф, деб билишини таъкидлади.*

“Америка халқи номидан Президент Мирзиёевга Оқ уйга тарихий ташрифи учун миннатдорлик билдираман. Марказий Осиёда анчайин мураккаб вазият юзага келаётган, ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлаётган бир пайтда бугунги мулоқотимиз стратегик шериклигимизни янгилашга ёрдам берди. Минтақадаги таъминот йўлларини қўллаб-қувватлаш ва Афғонистон билан алоқаларни яхшилашга хизмат қиладиган иқтисодий лойиҳаларни сармоялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Президент Мирзиёевга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қиламан”, дейилади Дональд Трампнинг Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи муносабати билан ташкил этилган қабул маросими иштирокчиларига мурожаатида.

Ишбилармон доиралар вакиллари, АҚШ Давлат котиби, мудофаа вазири, Капитолийда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси ва Сенати аъзолари, шунингдек, Жаҳон банки президенти билан бўлган учрашувлар ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Музокаралар якунида турли соҳаларда ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзолангани, хусусан, ишбилармон доиралари қатор лойиҳалар бўйича умумий қиймати 4,8 миллиард АҚШ долларини бўлган келишувларга эришгани икки давлат ҳамкорлиги жадал ривожланишидан далолат беради.



**Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида умумий қиймати**
**4,8 миллиард доллар**
**бўлган 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзоланди.**

Ташриф доирасида Вашингтондаги АҚШ Миллий пресс-клубида “Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича эришган ютуқлари ва истиқболдаги вазифалар” мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. Нуфузли экспертлар сўнгги йилларда юртимиз дунёга очилиб бораётгани, прагматик сиёсат юритаётгани, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатларни эътироф этди. Атлантика кенгашидаги форумда Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, бунда нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги хусусида сўз борди. Икки давлат вазирлик ва идоралари, компаниялари ҳамда ишбилармонлари иштирокида уюштирилган “Ўзбекистон — АҚШ: фаровон келажак учун янги имкониятлар” деб номланган маросимда мамлакатимизда бизнес вакиллари учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани таъкидланди.

Айни кунларда жаҳон матбуотида мазкур ташриф якунларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. “The New York Times”, “The Washington Post”, “Newsweek” нашрлари, “ABC News”, “CNN”, “CBS News” телеканаллари, “Америка овози” телерадиоси ва бошқа қатор нуфузли оммавий ахборот воситалари олий даражадаги музокаралар, тузилган шартномаларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикрларини айтишмоқда.

Гап оммавий ахборот воситалари тўғрисида борар экан, мана шундай ташрифни ёритишда Ўзбекистон журналистлари ҳам илк бор кенг таркибда қатнашганини мамнуният билан қайд этиш ўринлидир. Чунки авваллари бундай жараёнга фақат давлат телеканали ҳамда ахборот агентлигидан вакиллар жалб қилинарди, холос. Табиийки, бу материалларнинг ранг-баранг, хилма-хил бўлишини чеклаб қўярди. АҚШга “Халқ сўзи” газетаси ва бир қатор нодавлат оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам боргани мавзу доирасида аҳолимизга янада кўпроқ маълумот тақдим этиш, мезбон давлат тўғрисида турли ракурсда лавҳалар, мақолалар тайёрлаш имконини берди.

Ҳамкасбларимизнинг аксарияти АҚШга давлатимиз раҳбарининг ташрифидан беш-олти кун олдинроқ етиб бориб, жойлашгани ҳам айни муддао бўлди. Яъни мана шу вақт мобайнида бир қатор штатлар, Вашингтон ҳаёти билан яқиндан танишиш, турли лавҳалар, мақолалар тайёрлаш, интервьюлар уюштиришга фурсат туғилди. Улар кетма-кет эфирга, матбуот ҳамда сайтларга узатиб турилди.

Юқорида биз АҚШ Миллий пресс-клубида бўлиб ўтган анжуманни тилга олдик. Ана шу тадбирда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар борасида фикр юритилар экан, айнан АҚШ ташрифини ёритишга юртимиздан кўплаб давлат ҳамда нодавлат ОАВ вакиллари таклиф қилингани мамнуният билан қайд этилди.

Маълумки, Юртбошимизнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифини ёритиш мақсадида илк бор Сеулда матбуот маркази ташкил этилган ва бу ўзига хос тажриба бўлган эди. Ана шу ташаббуснинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи муносабати билан Президент Матбуот хизмати томонидан Вашингтондаги “Sofitel” меҳмонхонасида матбуот маркази фаолияти йўлга қўйилди. У замонавий техникалар билан жиҳозланиб, юқори тезликдаги интернетга уланди. Бу марказ ахборотларни тез ҳамда сифатли етказишда муҳим кўприк вазифасини ўтади. Қолаверса, бу ерда ташриф доирасидаги тадбирлар бўйича брифинглар уюштирилгани халқимизнинг ҳар бир воқеа хусусида ўз вақтида хабардор бўлишини таъминлади.

### “Американи яна буюк қиламиз” шиори амалий ифодасини топаяпти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Оқ уйда бўлиб ўтган учрашувда Дональд Трамп олиб бораётган ислоҳотлар муваффақиятига юқори баҳо бериб, жумладан, “Жаноб Президент, мен АҚШ Президентлиги учун сўнгги сайловлардан буён, Сизнинг бошчилигингизда иқтисодий соҳада эришилаётган ажойиб натижаларни, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш мақсадида илгари сурилган тарихий солиқ ислоҳотлари қабул қилинишини қутлайман. Қўлга киритилган натижалар, Сизнинг америкаликлар фаровонлиги ва тараққиёти учун олиб борган ишларингиз самарасидир”, дея таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда АҚШ иқтисодиёти жадал суръатда ривожланиб бораяпти. Жумладан, ишсизлик ва инфляция кўрсаткичлари мунтазам пасаймоқда, ишбилармонлик индекси, кўчмас мулк бозоридаги фаоллик, истеъмол кўрсаткичи ҳамда аҳоли даромадлари ортаётир. Экспертларнинг фикрича, бу Дональд Трамп томонидан илгари сурилган “Американи яна буюк қиламиз” шиори остидаги иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

Келинг, айрим рақамларга тўхталиб ўтсак. Ушбу давлат иқтисодий жиҳатдан қудратли ҳисобланади. Масалан, ўтган йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти 19,36 триллион долларни ташкил қилди. 1,5 триллион доллар миқдорида экспорт амалиётлари бажарилди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида АҚШ иқтисодиёти 2,3 фоиз ўсди. Бу 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 2 баробар кўпдир. Февраль ойида 313 мингта янги иш ўрни яратилди ва мазкур рақам кейинги бир ярим йил давомидаги рекорд натижа саналади. Ишсизлик кўрсаткичининг ўзи эса сўнгги ўн беш йилликдаги энг минимум даража — 4,1 фоизга тушди. Оқ уй маъмуриятининг солиқ ислоҳотлари туфайли 2018 йил охирида бандликнинг яна 0,5 фоиз ошиши кутилаяпти. 2026 йилгача бу жараён мунтазам равишда 0,7 фоиздан ортиши тахмин қилинмоқда.

Албатта, иқтисодиёт яхшиланиши аҳоли турмушида ҳам ўз ифодасини топади. Мисол учун, фуқаролар даромади 2017 йил сентябрь ойидан бери давомли ўсиб бораётир. Шу йил март ойида бу борада 7,5 фоизлик ортиш қайд этилди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам натижалар ижобий. Хусусан, биринчи чоракда ўтган йилнинг мазкур давридагига нисбатан 4,5 фоиз ўсиш кузатилди. 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШ иқтисодиётининг муҳим сектори ҳисобланган тураржой бозорига жиддий салбий таъсир кўрсатганди. Мамлакатнинг Қурилиш компаниялари миллий ассоциацияси хулосаларига қараганда, ҳозир аҳвол анча ўнгланган. Савдо вазирлиги маълумотига кўра, жорий йил март ойида 1,3 миллионтадан зиёд янги уйлар қурилиши бошланган. Ишсизлик даражасининг пастлиги ҳамда ипотека кредитлари фоизининг камлиги боис янги тураржойларга бўлган талаб ҳам ортмоқда.

Халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар прогнозлари бўйича жорий йилда АҚШ ялпи ички маҳсулоти 2,9 фоиз ошади, 2019 йилда ўсиш 2,7-2,8 фоиз атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда. Бу ривожланган давлатлар орасидаги энг яхши кўрсаткич бўлади.

Бундай натижалар Дональд Трампнинг иқтисодий ислоҳотларидаги икки муҳим омил билан боғланади. Биринчиси, рағбатлантирувчи ташаббуслар — солиқ ҳамда тартибга солиш ислоҳотлари, инфратузилмани молиялаштириш. Мисол учун, даромад солиғини 35 фоиздан 21 фоизгача пасайтириш ва солиққа тортишнинг ҳудудий принципига ўтиш жараёни шунга дахлдор.

Тартибга солувчи ислоҳотлар бизнес фаолиятини тартибга солувчи янги федерал қоидаларга мораторий эълон қилиш ҳамда бир қатор мавжуд ҳужжатларни бекор қилишни назарда тутади. Кенг кўламли инфратузилма лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш ҳам Оқ уй маъмуриятининг режалари қаторидан ўрин олган. Шу мақсад учун келгуси 10 йил ичида федерал бюджетдан 200 миллиард доллар йўналтириш кўзда тутилган. Қолаверса, қурилиш ва инфратузилма объектларини модернизациялаш учун рухсатномалар бериш муддатини 2 йилгача қисқартириш режалаштирилган. Ўз навбатида, мамлакатда энергоресурсларни қазиб олиш бўйича чекловларни бекор қилиш орқали федерал бюджетга маблағ тушумини кўпайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсади ҳам мавжуд.

Иккинчи йўналишдаги ислоҳотлар чеклов чоралари — протекционизм, иш ўринларини қайтариш ва АҚШга иммиграция оқимини қисқартиришни қамраб олади.

Мана шу жиҳатлар туфайли Америка Қўшма Штатлари иқтисодиёти жадал суръатда ўсиб бораяпти. Ўзбекистоннинг ана шундай салоҳиятли давлат билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиши, биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар, албатта, икки томон учун ҳам катта манфаат келтиради. Энг муҳими, эришиладиган муваффақиятлар фуқаролар турмуш тарзида ўз ифодасини топади.



- ✔ *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ўртасидаги музокаралар якунида икки давлат раҳбарларининг “Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши” деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди.*
- ✔ *Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда 2018 йилда Тошкентда Марказий Осиё савдо форумини ўтказишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандумлари имзоланди.*
- ✔ *Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида меморандум қабул қилинди.*
- ✔ *Жаҳон банки билан ҳамкорликда боғдорчиликни ривожлантириш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг энергия тежамкорлигини ошириш, иситиш тармоқларини модернизация қилиш, молиявий консультатив хизмат кўрсатиш каби соҳаларга оид битимлар тузилди.*

### Тарихни ўрганиш бепул

Шу ўринда Вашингтонда эътиборимизни тортган айрим жиҳатлар ҳақида ҳам фикр юритсак.

Бу шаҳар бирорта штатга кирмайди. Колумбия округига қарайди. 600 мингдан зиёдроқ аҳолиси бор. Мамлакат Конгрессида фақатгина Вашингтондан вакил сайланмайди, азалдан қоида шунақа.

АҚШ пойтахти кўчаларида юрар эканмиз, давлат идораларининг асосий қисми тарихий иншоотларда жойлашганига гувоҳ бўлдик. Умуман, шаҳарда жуда юксак дид ҳамда ноёб архитектура услубида қурилган қадимий бинолар ҳар қадамда кўзга ташланади. Кўчалар кимнингдир номи билан юритилмайди, аксинча улар рақамлар билан белгиланган. Масалан, 14-кўча, 15-кўча ва ҳоказо. Яна бир жиҳати, Вашингтонда мамлакатнинг 50 та штати номи берилган мавзелар мавжуд. Деярли ҳар бир мавзеда ям-яшил майсазор, дарахтлар билан қопланган хиёбон ташкил қилинган. Майсазорда бемалол юриш, ўтириш мумкин. Бунга чеклов йўқ. Хиёбонларда китоб ёки газета ўқиётган, суҳбатлашаётган, шунчаки ҳордиқ чиқараётган одамларни кўрасиз. Куннинг исталган вақтида, хоҳ эрталаб, хоҳ кечки пайт бўлсин, саломатлигини ўйлаб, югураётганларни учратасиз. Кўчалар бўйлаб велосипедлар учун алоҳида йўлаклар ташкил қилинган. Ҳатто баъзи жойларда бундай йўлаклар қатнов қисмининг ўртасида. Уларнинг икки тарафига махсус белгилар ўрнатилган бўлиб, автомобиллар ҳаракати хавф туғдирмайди.

Биз, одатда, кунлик нашрларни газета дўконларидан оламиз. АҚШ пойтахтида, умуман, ушбу мамлакатда обуначилардан ташқари кунлик газеталарни аҳоли вакиллари йўллар бўйига ўрнатилган мўъжаз қутичалардан олишаркан. Яъни ҳар бир нашр кўчаларга ўзининг газета тарқатишга мўлжалланган қутичаларини жойлаштирган. Уларнинг баъзиларида газета бепул, айримларида пуллик. Энг харидоргир нашрлар, албатта, талаб борлиги учун сотишдан мўмай даромад кўради.

Вашингтон об-ҳавоси тез ўзгарувчан, намлик миқдори юқори бўлган шаҳар экан. Дейлик, куннинг биринчи ярмида ҳаддан зиёд иссиқдан ноқулайлик сезсангиз, кутилмаганда шаррос ёмғир ёғиб, жонингизга ором бағишлайди. Лекин ёмғирдан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай ҳаво яна дим бўлади. Бошқа бир қизиқ тарафи, кўчаларда ариқлар, лотоклар йўқ. Аввалига ҳайрон бўлдик: “Ёғингарчиликда сув қаердан чиқиб кетаркин?” деб. Айнан ёмғир ёққанида кўрдикки, шаҳарнинг дренаж тизими пухта лойиҳалаштирилган экан: сув йўлнинг турли ерларидаги, эни унча катта бўлмаган, узун қилиб очилган, пиёдаларга халал бермайдиган туйнукдан ер остидаги қувурларга оқиб кетади. Жала пайтида ҳам бирор жойда сув тўпланиб қолмайди. Бу — ўрганишга арзийдиган тизим.

Вашингтон аҳолисини 600 мингдан кўпроқ дедик. Бу ердаги Оқ уй, Блэйр-Хаус, Вашингтон ёдгорлиги, Капитолий, Томас Жефферсон хотира мажмуаси, Смитсон институти, Артур Саклер галереяси, Авиация ва космонавтика музейи ҳамда бошқа ўнлаб расмий идоралар, музейлар, обидалар, маданий-маърифий масканларни кўриш учун дунёнинг турли нуқталаридан ҳар йили миллионлаб туристлар ташриф буюради. Шу боис кўчалар анча гавжум. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб юрган сайёҳларга турфирмалар кутиб олиш чоғидаёқ бир хил рангдаги футболка тарқатишаркан. Бу уларнинг ҳаракатланиш чоғида бир-бирларини йўқотиб қўйишларининг олдини оларкан.

Диққатга сазовор жиҳати, Оқ уй, парламент жойлашган Капитолий, умуман, ҳар қандай давлат идораси ва биноси олдида бемалол суратга тушиш мумкин. Бунга ҳеч қандай чеклов йўқ. Президент қароргоҳи, Капитолий биносига ўқувчиларни тез-тез экскурсияга олиб бориш йўлга қўйилган. Бу орқали уларга тарих жонли мисоллар асосида гапириб берилади. Масалан, бутун бир бошли Капитолий биносини ўтмиш билан боғлиқ ёдгорликлар мужассамлашган маскан, дейиш мумкин. У ерда ёшларга нафақат қонуннинг яратилиши, балки АҚШ қандай қилиб шу кунларга етиб келгани, мустақилликнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Бу жараён қонун ижодкорларига умуман халал бермайди. Улар ўз ишларини давом эттираверишади.

Вашингтондаги барча музей ташриф буюрувчилар учун бепул хизмат кўрсатади. Бу орқали ўтмишни кенгроқ таништириш мақсад қилинган. Савол туғилиши мумкин: хўш, уларни сақлаб туриш учун қаердан маблағ олинади? Биз ҳам бунга қизиққанимизда, жавоб шу бўлдики, музейларга қисман бюджетдан пул ажратилса, бир қисми ҳомийлар ташаббуси билан қопланади. Яъни “Аҳоли, эртанги кун эгалари тарихимизни ўрганаётган экан, харажатини биз тўлаймиз” қабилидаги эзгу ниятли, ватанпарвар ҳомийлар кўп.

Қисқаси, Вашингтон кичик шаҳар бўлса-да, унинг буюк ўтмиши, диққатга сазовор бугуни бор. Улар ҳар қандай кишида унутилмас таассурот қолдиради.

Президентимиз 19 май куни Андижон вилоятининг Улуғнор туманида ўтказилган йиғилишда АҚШ билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг аҳамияти, сабаблари ҳақида тўхталаркан, нега Ўзбекистонга АҚШ сармояси ҳамда технологияси зарурлигига ойдинлик киритди. “Чунки ундай технология ва ишланмалар ҳали Ўзбекистонга кирмаган. АҚШ технологияси кирган давлатда ҳисоб-китоб жойида бўлади. Уларнинг технологияси кирган жойда коррупция бўлмайди. Бу бир мезон, тарозининг палласи бўлади”, дея қайд этди. Шу фикрларнинг ўзи мақоламизга якуний хулосадир.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» махсус мухбири.**
**Тошкент — Вашингтон — Тошкент**

(Муаллиф олган суратлар).

Халқ билан мулоқот

# Мурожаатлар адолатли ўрганилиши кафолатланмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Хоразм вилояти шаҳар ҳамда туманларида ўтказилган оммавий қабулларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги айрим масалалар қатор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари иштирокида кўриб чиқилди.*

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари А. Усмонов бошчилигида ўтказилган очиқ ва самимий мулоқотлар ортиқча расмиятчиликсиз, фуқароларга қулай ҳамда энг муҳими, ўзларини ўйлантираётган муаммони эмин-эркин билдириши учун зарур шароитлар яратилган ҳолда ташкил этилди. Оммавий қабулларда фуқароларнинг мурожаатларини тинглаб, жойида ҳал қилиш, ариза ва шикоятларнинг ёзилишига туртки бўлган сабабларни чуқур таҳлил этиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятидаги Халқ қабулхонаси ташкил этилганидан буён юридик ҳамда жисмоний шахслардан 27 минг 169 та мурожаат келиб тушган. Вилоят туманларида ўтказилган оммавий қабулларда эса 500 дан ортиқ мурожаатлар ўрганилиб, 300 дан зиёди қаноатлантирилди. Мурожаатлар мазмуни ўрганилганда, асосан, уй-жой олиш ва якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратиш, суд-ҳуқуқ, фуқароликка қабул ҳамда рўйхатдан ўтиш, моддий ёрдам ва пенсия таъминоти, банк кредитларидан фойдаланиш, коммунал соҳага алоқадор муаммолар билан боғлиқ экани аниқланди.

Хонқа туманидаги "Ваисёз қаҳрамон" фермер хўжалиги дала шийпонида ташкил этилган оммавий қабулда Ҳазорасп, Боғот, Янгиариқ, Хонқа туманларида истиқомат қилувчи аҳоли мурожаатлари кўриб чиқилди. Қабулга ўз муаммоларига ечим топиш умидида келган инсонлар билан суҳбатлашар эканмиз, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил амалда ўз исботини топаётганига ишонч ҳосил қилдик.

— Инсон ҳаёти қувонч ва ташвишлардан иборат, — дейди Янгиариқ туманидаги Баёт маҳалласида яшовчи Насиба Жуманиёзова. — Баъзан шундай муаммолар учрайдики, уларни ҳал этиш учун давлат идораларига мурожаат қилишга тўғри келади. Илгари бундай муаммолар юзасидан идорама-идора югуриб, қанча оворагарчилигу сансалорликларга дуч келганмиз. Эндиликда барча жойда Халқ қабулхоналари очилгани, мана шундай оммавий қабуллар ўтказилиб, мурожаатларимиз адолатли кўриб чиқилаётгани юртимизда инсон манфаатларини амалда таъминлаш энг устувор мақсадга айланганидан далолат беради. Ўзим туман ободонлаштириш бошқармасида ишлайман, турмуш ўртоғим 2-гуруҳ ногирони, уч нафар фарзандим бор. Жорий йилда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги арзон уй-жойлардан ипотека кредити асосида сотиб олиш масаласида мурожаат этдим. Туман ҳокимлиги қошидаги комиссияга мурожаатимни ўрганиш ва ижобий ҳал қилиб бериш топширилди.

Боғот туманидаги Нурафшон шаҳарчаси Эзгулик кўчасида яшовчи Ҳасанбой Ёқубов маҳаллага борадиган тупроқ йўлда транспорт воситалари ҳамда пиёдалар ҳаракатланиши қийин кечаётгани, айниқса, ёғингарчилик кунларида умуман маҳаллага кириб бўлмаслигини билдириб, шағал тўкиб берилишини илтимос қилди. Бу масала шу жойнинг ўзида ижобий ечимини топди. Боғот тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари Жавлонбек Тўраев ушбу мурожаат бўйича ҳозирнинг ўзида амалий ишга киришилганини билдирди. Тезкорлик билан маҳалла ҳудудига бориб қайтган оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳақиқатан ҳам йўлга шағал ёткизилаётгани акс этган тасвирларни оммавий қабулда қатнашаётган фуқаролар эътиборига ҳавола қилишди.

Янгиариқ туманидаги Жалоир маҳалласида яшовчи Қадамбой ота Нурметов маҳалла ҳудудидаги нураб қолган кўприкни таъмирлаш масаласини кўтарди. Мутасаддилар бу мурожаатни асосли, деб топгач, мазкур кўприк қайта экспертизадан ўтказиладиган ва уни таъмирлаш ишлари бир ой муддатда бажариладиган бўлди.

Шовот туманида ўтган сайёр қабулда қўшни Қўшкўпир ҳамда Хива туманлари аҳолисидан тушган ариза ва шикоятлар мазмунан бирма-бир кўриб чиқилди.

Шовотлик Озод Ражабов оммавий қабулда ўғли Даданазар Ражабовнинг суд иши бўйича мурожаат этди. Ўғлининг икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, яшаш жойидаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи томонидан кафиллик берилгани ҳамда бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиш бўйича ёрдам сўради. Мурожаат тегишли суд органи томонидан кўриб чиқилиб, Даданазар Ражабовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан озод этилди. Бу ҳам инсон тақдири, унинг эрки ва шаъни ҳар нарсадан устун эканлиги, халқимизга хос инсонпарварлик, кечиримлиликнинг амалдаги ифодасидир.

Янгибозор, Гурлан, Урганч туманлари ҳамда Урганч шаҳри аҳолиси билан ўтказилган сайёр қабулларда мурожаатларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, ечимини топиш ва тушунтириш бериш учун турли соҳалар бўйича секторларга бўлинган ҳолда муҳокамалар олиб борилгани ҳар бир мурожаатнинг жавобсиз қолмаслигини кафолатлади.

— Муаммонинг илдизи қанча барвақт аниқланса, уни бартараф этиш ҳам шунча осон кечади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятидаги Халқ қабулхонаси раҳбари Султонбой Бердиқиличев. — Бунинг учун мутасаддилар халқ билан доимий мулоқотда бўлиши, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларнинг ичига янада чуқурроқ кириб, вазиятни қалбан ҳис қилиши керак. Вилоятда ўтказилган оммавий қабуллар давомида мурожаатларнинг салмоқли қисми белгиланган тартибда ҳал этилди, қолганларининг ижроси қатъий назоратга олинди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Ёшларнинг спорт байрами

*Урганч шаҳридаги "Ёшлик" спорт мажмуасида "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг вилоят финал босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Жорий йилда Хоразм вилоятида ушбу нуфузли спорт беллашувларининг дастлабки босқичида дастурга киритилган 21 спорт тури бўйича 300 минг нафарга яқин мактаб ўқувчилари қатнашди. Юқори синф ўқувчилари ўртасидаги ҳал қилувчи босқичда эса 4 минг 200 нафар ўғил-қиз ўзаро куч синашди. Замонавий спорт мажмуаларида ўтказилган баҳслар ҳар бир ўқувчига қобилияти ва жисмоний имкониятларини намоён этишга шароит яратди. Беллашувларда ўзига хос рекордлар ўрнатилиб, янги номлар кашф қилинди. Энг иқтидорли спортчилар вилоят терма жамоалари таркибига киритилди.

Мусобақаларда муваффақиятга эришган Урганч шаҳри жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — "Damas" автомобили билан тақдирланди.

Шовот тумани жамоаси иккинчи, Хива тумани ёшлари учинчи ўринни эгаллади.

Тадбирда санъат усталари ҳамда ёш ижрочилар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

*Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими тантанавор руҳда уюштирилди.*

Таъкидлаш жоизки, айни чоғда Сирдарё вилоятида 100 дан ортиқ замонавий спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, уларда 57 мингдан зиёд ёшлар спортнинг ўнлаб турлари бўйича мунтазам шуғулланмоқдалар.

Мусобақалар натижаларига кўра, Сирдарё тумани ўқувчилари жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиб жамоага Президентимиз совғаси — "Damas" автомашинаси, мусобақа кубоги ва биринчи даражали диплом тантанали равишда топширилди. Ховос ҳамда Сайхунобод тумани вакиллари эса иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

*Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ташкил қилинган "Умид ниҳоллари — 2018" спорт мусобақаларининг шаҳар босқичи ғолиб ҳамда совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим ҳам унутилмас таассуротларга бой кечди.*

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган баҳсларда сараланган спортчилар футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, эркин ҳамда юнон-рум кураши, бадминтон, стол тенниси, ўзбек жанг санъати каби 21 спорт тури бўйича маҳоратини намойиш этди.

Якунда умумжамоа ҳисобида зафар қучган Чилонзор тумани жамоасига "Damas" автомобили тақдим қилинди. Иккинчи ва учинчи поғонани эгаллаган Юнусобод ҳамда Миробод туманлари ёшлари ҳам диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланишди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ,**
**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛГАН ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА БЎЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда вилоятимизда 738 мингта оила мавжуд. Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу ғоя рўёбга чиқарилиши билан шунча хонадон доимий даромад манбаига эга бўлади. Аслида, биз, андижонликлар азалдан меҳнаткаш ҳамда тадбиркормиз.

**Муҳаммаджон ДАДАЖОНОВ,**
**Асака туманидаги "Сабо ҳамкор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2-3 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Асака туманида гидропоника усулида банан ва помидор етиштириш лойиҳаси тақдимотини қилган эдик. Ўшанда Президентимизнинг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаши менга катта куч-ғайрат бағишлади. Натижада қисқа вақт мобайнида замонавий иссиқхона мажмуасини ишга туширдик. Ушбу мавсумнинг ўзида 1 гектар майдонда барқ ураётган помидор кўчатларидан 300 тонна ҳосил олиш ҳамда қўшни давлатларга экспорт қилишни режалаштираяпмиз. 2 гектарлик бананзор мамлакатимизда ягона бўлиб, унинг барпо этилиши импорт ҳажмини қисқартириб, экспорт фаолиятини йўлга қўйишга хизмат қилади. Биз парваришлаётган бананнинг пакана нави турдошларидан дастлабки йилнинг ўзида мева бера бошлаши билан фарқланади. Ширинлиги ва қувватлилик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Айни пайтда иссиқхонамизга 5000 туп кўчат экилди. Уларнинг ҳар биридан 50 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Яъни шу йилнинг ўзида 400 минг АҚШ долларигача даромад кўрамиз. Индонезияда ўсувчи бу ўсимлик тез кўпайиши билан ҳам аҳамиятлидир. У ҳар йили бештагача кўпаяди. Демак, келгуси йили боғимиз 5 баробар кенгаяди.

Давлатимиз раҳбарининг иссиқхонамизга ташриф буюриб, фаолиятимизни янада кенгайтириш борасида билдирган тавсиялари зиммамизга катта масъулият юклайди. Қолаверса, Президентимизнинг биз каби тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, истиқболли лойиҳаларимизни амалга ошириш учун яқиндан кўмак бераётганлиги барчамизни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундади. Янги режалар эса янги марралар сари етаклайди. Демак, муваффақиятларимиз ҳали олдинда.

**Шарофатхон ОБИДОВА,**
**Улуғнор туманидаги "Шаҳриобод" МФЙда истиқомат қилувчи уй бекаси:**

— Баъзан эрта тонгда деразадан ташқарига қарайман. Озода, саранжом кўчалар, чаман очилган гуллар, болалар кулгисидан файзга тўлган майдонча, замонавий, кўркам уйимиз, қўйингки, бизни ўраб турган мана шу манзаранинг гўзаллигидан кайфиятим кўтарилади. Боиси Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" дастури доирасида маҳалламиз қиёфаси қисқа фурсатда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳудудимиздаги мавжуд 24 та кўп қаватли уй, болалар боғчаси ҳамда мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Тураржой томлари янгиланиб, шифер билан қопланди. Ёритиш чироқлари ва дам олиш ўриндиқлари ўрнатилди. 7,3 минг квадрат метр майдонга бетон қоплама ётқизилди. Келгусида 150 ўринли тўйхона, ҳаммом, савдо марказлари, қандолатчилик ҳамда тикувчилик цехлари барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилар экан. Энг муҳими, дунёқарашимиз, ҳаётга бўлган муносабатимиз ўзгарди. Энди биз ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзосимиз. Самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саминжон ҲУСАНОВ**
**ёзиб олди.**

Анжуман

# Давлат бошқарувида аёллар иштироки кенгаяди

*Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида барқарор ривожланиш мақсадларидан бири — гендер тенглик ҳамда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш масалаларига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда ҳукумат вакиллари, экспертлар, нодавлат ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари қатнашди.*

Мамлакатимизда илк маротаба ўтказилган мулоқотда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг "Давлат бошқарувида аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини ошириш" лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган "Иқтисодий, ижтимоий ва институционал ўзгаришларни тезлаштириш мақсадида аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироки" деб номланган таҳлилий қайднома муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, иқтидор ҳамда имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мазкур йўналишдаги вазифаларни бажаришда амалий саъй-ҳаракатлар, аниқ чора-тадбирларни илгари сураяпти. Турли соҳаларда банд бўлган аёллар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, бунда сиёсий партиялар билан биргаликда ишлашни йўлга қўйиш зарурлиги шулар жумласидандир. Қолаверса, ижро этувчи ҳокимият тизимида аёллар сонини 5,3 фоиздан 16 — 18 фоизгача оширишда самарали ижтимоий тадбирларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш саноатининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 9,1 фоиздан 20 фоизгача ошириш орқали иқтисодиётни саноатлаштириш даражасини чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Хелена Фрейзер ушбу тадбир ўзаро фикр, тажриба ҳамда ғоялар алмашинувини таъминлаш баробарида, биргаликда ишлаш имконини беришини қайд этди. Унинг фикрича, гендер тенглик, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш иқтисодий, ижтимоий тараққиёт ҳамда бизнес самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда аёлларнинг олий маълумотга эга бўлиш даражасини ошириш, хотин-қизлар учун мослашувчан таълим тизимини яратиш, ижро ҳокимиятига хотин-қизларни жалб қилиш, шунингдек, аёллар тадбиркорлиги, касаначилик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватловчи механизмни жорий этиш таклиф қилинди.

Якунда иштирокчилар ўртасида мулоқот ўтказилиб, унда тадқиқот натижалари ҳамда хулосалари, шу билан бирга, мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида аёллар ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қизғин муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тадбир

# Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистоннинг хориждаги ваколатхоналари фаолияти танқидий таҳлил қилинди

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ТИВ тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда ТИВнинг масъулиятини кучайтириш бўйича Президент Шавкат Мирзиёевнинг топшириқларини татбиқ қилишга бағишланган видеоконференция шаклидаги йиғилишлар бўлиб ўтди.*

Ўзбекистоннинг хориждаги барча муассасаси раҳбарлари қатнашган йиғилишларда Ўзбекистонга шерик давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "Йўл хариталари"ни сифатли ҳамда ўз вақтида татбиқ этиш доирасида жорий топшириқлар ва элчихоналар ҳамда консулхоналар фаолиятининг устувор йўналишларини амалга оширишга доир бошқа долзарб масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Дипломатик миссиялар раҳбарлари ташқи иқтисодий манфаатларни илгари суриш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хорижий инвестиция ва илғор технологияларни жалб этиш, миллий товар ҳамда хизматларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш ва мамлакатимизга туристлар оқимини ошириш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти топшириқларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот бердилар.

Хорижий инвестициялар ҳамда илғор технологияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш бўйича чет эллардаги ваколатхоналаримиз олиб бораётган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида дипломатик миссиялар томонидан Ўзбекистон Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, бошқа тузилмалар, жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда хорижда жами 450 та тадбир ўтказилди ва жаҳон ҳамжамияти юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар ҳамда республиканинг халқаро ташаббуслари тўғрисида кенг хабардор қилинди. Хориждаги етакчи ОАВда Ўзбекистондаги инвестицион имкониятлар ва бизнес муҳити тўғрисида 200 дан ортиқ мақолалар чоп этилди.

Ўзбекистонга 350 дан ортиқ хорижий делегациялар (халқаро ташкилотлар, молия институтлари, расмий ҳамда бизнес доиралар ва ОАВ вакиллари) ташрифи ташкиллаштирилди. Ўзбекистоннинг 95 та делегациясининг (расмий ҳамда бизнес доиралар вакиллари) хорижий давлатларга ташрифини амалга оширишда ёрдам кўрсатилди. Ташрифлар якунларига кўра, 40 та ҳужжат, хусусан, Европа иттифоқи давлатлари билан 12 та, Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан — 16 та, МДҲга аъзо давлатлар билан — 8 та битим ва шартномалар имзоланди.

Алоҳида эътибор ташқи иқтисодий муносабатларни хорижий шериклар билан янада ривожлантириш, янги сотиш бозорларини қидириш, миллий товарларни экспорт қилишда амалий кўмак кўрсатиш ҳамда уларнинг ташқи бозорларга чиқишини ошириш масалаларига қаратилди. Шу ўринда топшириқларни бажариш доирасида дипломатик миссиялар томонидан турли даражалардаги хорижий делегацияларнинг (расмий, шахсий ва аралаш) Ўзбекистонга 106 та ташрифи ташкиллаштирилди ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни импорт қилиш, стандартлаштириш ва метрология соҳасида ҳамкорлик, мамлакатимиз ҳудудида қўшма корхоналарни яратиш ҳамда унинг товарларини учинчи давлатларга экспорт қилиш масалалари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар ўтказилди.

МДҲ (Озарбайжон, Қирғизистон, Россия, Туркманистон), Европа (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Нидерландия, Польша, Чехия), Осиё (Афғонистон, Бангладеш, Эрон, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Малайзия, Покистон, Таиланд, Хитой, Япония), Яқин Шарқ (БАА, Миср) мамлакатларига турли даражалардаги Ўзбекистон делегациясининг 60 дан ортиқ ташрифлари амалга оширилди. Тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари иштирокида БАА, Греция, Ҳиндистон, Кипр, Озарбайжон, Покистон, Туркманистон, Хитой ҳамда бошқа давлатларга маҳаллий товарларни етказиб беришга доир жами 58,4 миллион АҚШ доллари ва 24 миллион евролик экспорт шартномалари имзоланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, давлат ҳамда хусусий тузилмалар билан ҳамкорликда 21 бизнес форуми ўтказилди, шулардан 13 таси хорижий давлатларда (Буюк Британия, Эрон, Греция, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Латвия, Покистон, Хитой, Япония) бўлиб ўтди.

Маҳаллий компаниялар ҳамда корхоналар вакилларининг АҚШ, Озарбайжон, Россия, Германия, Грузия, Бельгия, Бангладеш, Ҳиндистон, Италия, Малайзия, Латвия, Хитой, Жанубий Корея, Чехия, Таиланд ва БААда ташкиллаштирилган халқаро кўргазмаларда қатнашишига кўмак кўрсатилди. Уларнинг якунига кўра, жами 83,5 миллион долларлик савдо ҳужжатлари имзоланди.

Дипломатик миссиялар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда туристик фирмалар билан яқиндан ҳамкорликда мамлакатимизга келаётган хорижий туристлар сонини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот бердилар.

Исроил, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари учун виза бекор қилиниши, шунингдек, қатор давлатлар фуқаролари учун виза олиш тартибининг соддалаштирилиши натижасида сайёҳлар сонининг бир неча баробар ошиши кузатилмоқда.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини хорижда кенг ёйиш доирасида 100 дан ортиқ тақдимотлар ўтказилди ҳамда 36 давлатнинг 150 та матбуот ва электрон нашрларида мақолалар чоп этиш ташкиллаштирилди. 34 та тасвирга олиш гуруҳи ташрифларини уюштиришда ёрдам кўрсатилди ҳамда 13 та давлатнинг 29 та телеканалида Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари тўғрисида махсус телекўрсатувлар тайёрланди.

Йиғилиш доирасида "Йўл хариталари", қатор дастур ва инвестициявий лойиҳаларнинг баъзи бандларини ҳаётга татбиқ қилишнинг муаммоли жиҳатлари қайд этилди ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни идоравий мувофиқлаштириш, қайта алоқани йўлга қўйишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар баён қилинди.

Дипломатик миссия раҳбарларига "Йўл хариталари"нинг айрим бандларининг амалга оширилиши сифати юзасидан танқидий мулоҳазалар билдирилди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Шу ўринда янги топшириқлар қўйилиши ҳамда уларни амалга оширишдаги интенсивлик шароитларида бажарилаётган ишлар самарадорлиги ва сифати, мамлакатимизнинг етакчи муассасалари билан мувофиқлаштириш даражасининг таҳлили дипломатик ваколатхоналарнинг қатор ходимлари касбий тайёргарлигини ошириш лозимлигини кўрсатди. Шу муносабат билан заруратдан келиб чиқиб, ТИВ билимдонликни ошириш ҳамда юқори даражадаги касбий етукликни таъминлаш бўйича ходимлар малакасини тизимли юксалтиришнинг амалий дастурини ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этишга киришди.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси.**

# ГИЛОС ЭКСПОРТИ

## Бунинг ортидан катта даромад олиш мумкин.

*Юртимизда пишиқчилик мавсуми бошланди. Боғларда пишиб етилаётган сархил мевалар дастурхонимизни безамоқда. Бозор расталарини тўлдираяпти. Ундан ортгани эса экспортга чиқарилмоқда. Айниқса, болга тўлган гилосларнинг харидори чаққон. Ташқи бозорда талаб юқори бўлган бу мевадан жорий йилда ҳам мўл ҳосил етиштирилди.*

*Хусусан, Наманган гилосзорларидаги пишиқчилик кишининг ҳавасини келтиради. Вилоят миришкорлари бу мавсумда 26,5 минг тонна ҳосил етиштиришни мўлжаллашган. Унинг 11 минг тоннадан кўпроғи ташқи бозорга йўналтирилади. Айни пайтда жойларда экспорт амалиётлари жадал давом эттирилмоқда.*

### Президент ташрифидан сўнг...

— Хорижда бизнинг гилосга талаб жуда юқори, — дейди Мингбулоқ туманида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Баҳодир Кўпайсинов. — Ҳозирги кунга қадар чет эллик харидорларга 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда гилос сотдик. Бу ҳали мавсумнинг бошланиши...

Айтиш керакки, вилоятда бу йил биргина гилос экспортининг ўзидан 45 миллион АҚШ долларига тенг даромад қилиш мўлжалланаяпти. Дастлабки натижалар ушбу кўрсаткич янада кўпроқ бўлишидан далолат бермоқда.

Хўш, бу кўрсаткич озми-кўпми? Бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиришнинг иложи борми? Жаҳон бозоридаги ўрнимизни мустаҳкамлаш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бунинг учун, аввало, мева етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган ҳар бир корхона ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини берувчи "Global GAP" сертификатига эга бўлиши шарт, — дейди "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамиятининг логистика бўлими бошлиғи Баҳодир Раҳматуллаев. — Айни пайтда республикамизда мева-сабзавот экспорти билан шуғулланувчи 10 дан ортиқ субъектлар шундай сертификатни қўлга киритган. Табиийки, хуштаъм, кўриниши эътиборни тортадиган, юқори сифатли меваларгина жаҳон бозорида харидорга манзур бўлади. Жумладан, гилосга ҳам талаб шундай. Таъми, донасининг йирик ва текислиги алоҳида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда барча жиҳати билан хорижликлар дидига мос тушадиган маҳсулот етиштириш ва сотувга тайёрлаш учун мавжуд имкониятлар ишга солинмоқда. Бунда дунёнинг машҳур компанияларида тайёрланган технологик ускуна ва жиҳозлар қўлланишига аҳамият қаратилаяпти. Масалан, Италиянинг "Uniteks" компаниясидан келтирилган линия ёрдамида гилосни маълум даражадаги паст ҳароратда сақлаш ва уни махсус қутиларга жойлаб, савдо растасигача табиий ҳолатда етказиш мумкин. Айни пайтда уч жойда шундай технологиядан фойдаланилмоқда. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, яқин вақт ичида улар сони кескин кўпайтирилади. Умуман олганда, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2018-2019 йиллар мобайнида гилос экспорти 40 минг тоннага етказилади.

**Ўзбекистон гилос етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича АҚШ, Чили, Туркия ва Европа иттифоқидан кейин бешинчи ўринда туради. Маълумотларга қараганда, айни пайтда мамлакатимиздаги гилосзорлардан йилига 200 минг тоннага яқин ҳосил олинади. Унинг 30 минг тоннадан ортиғи хорижий харидорларга жўнатилмоқда.**



**Яқин беш йилликда гилос экспорти миқдорини 100 000 тоннага етказиш мўлжалланмоқда.**

### Кўчатни компьютер парваришлайди

Гилосчиликни ривожлантириш ва унинг экспортини ташкил этиш борасидаги ишларда Тўрақўрғон туманидаги "Gold fresh fruits" масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳаси алоҳида ажралиб туради. Ушбу корхона жамоаси Яндама қишлоғи атрофида 800 гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар барпо этди. Дастлабки ўтқазилган ниҳоллар ўтган йили нишона кўрсатди. Атрофи махсус тўсиқлар билан ўралган бу боғларнинг 85 фоизини гилосзор ташкил қилади. Бўйи унча юқори бўлмаган, бироқ маҳаллий навларга қараганда серҳосил кўчатлар хориждан келтирилган.

— Илгари атиги 12 центнердан пахта олинган бу ерларнинг ҳолатини яхшилаш учун анчагина тер тўкилди, — дейди МЧЖ иш бошқарувчиси Эркинжон Нишонов. — Пасту баландини текислаб, ўт-ўландан тозаладик. Бошқа иқлим ва шароитда ундирилган ниҳолларни маҳаллий шароитга мослаштиришда хорижлик мутахассислар билан миришкор боғбонларимизнинг ҳамкорликдаги меҳнати қўл келди. Тан олиб айтиш керакки, боғдорчилик борасида халқаро тажриба бизникидан анчагина фарқ қилади. Кўчатлар аниқ схема асосида жойлаштирилган. Суғориш илғор технология — томчилатиш йўли билан амалга оширилади. Бунинг учун катта майдонлардаги мева дарахтлари қаторига юз минг метрлаб ингичка ва юмшоқ қувурчалар тортиб чиқилган. Уларга сув компьютер билан бошқариладиган 3 та насос станцияси орқали етказилади. Янгиликнинг афзаллиги шундаки, оддий усулда суғорилганда гектарига 120 литр сув сарфланса, бу усулда 40 литрдан ошмайди. Тежамкорлик даражаси — 55 — 60 фоиз. Биз боғни минерал ўғитлар билан тўйинтиришни ҳам сув орқали бажарамиз. Айни жараёнда сарф-харажат камайишидан ташқари сув орқали берилган озуқа тўғридан-тўғри кўчат илдизига боради.

### "Uzbek cherry" лойиҳаси

Э. Нишонов ўтган йили Италияга хизмат сафари билан бориб, бу борадаги тажрибаларни яқиндан ўрганиб қайтди. Соҳа бўйича профессор Франк Фортенинг маслаҳатларини олди. Уларда ҳар бир кўчатнинг оралиғи 15 сантиметрдан 3 метргача масофани ташкил этар экан.

— У ерлардаги боғларни кўриб, ҳайратланмай иложингиз йўқ, — дейди Эркинжон. — Зич экилган кўчатларда бор-йўғи икки-учта шох бор. Бироқ бу шохлар пастидан учигача ҳосил. Бунинг устига кўчатлар атрофи чуқур юмшатилмайди. "Сизлар чопиқ қилиб, кўчатнинг асосий илдизларига шикаст етказасизлар. Натижада дарахтнинг ҳосили камайиб, осмонга қараб ўса бошлайди. Ер юзасига яқин қисмида попук илдиз бор, эътиборни кўпроқ шунга қаратиш керак", дея менга маслаҳат берди италиялик олим. Унинг гапи тўғри эканлигини амалда синаб кўрдим. Шохларга шакл бериш, пишиб етилган ҳосилни саралашнинг илғор усулларини ҳам ўргандим. Қайтар чоғимда Франк махсус қайчи ва меванинг йириклигини ўлчайдиган асбоб совға қилди.

Тўрақўрғонлик боғбонлар ҳозирги кунда хориж тажрибасини ўрганган ҳолда "Uzbek cherry" лойиҳаси устида қизғин иш олиб боришаяпти. Унинг умумий қиймати 45 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, жорий йил охиригача интенсив боғдаги гилосзорлар 1000 гектарга етказилади. Улар тўла ҳосилга киргач, йилига 10 минг тоннадан ошириб ҳосил олиш мумкин.

### Замонавий логистика маркази

Бу ерда барпо этиладиган замонавий логистика марказида гилосни саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспортга чиқариш ишлари амалга оширилади. Мажмуада умумий қуввати 14200 тонналик сиғимга эга 12 та омбор, 2 та замонавий музлаткич ўрнатилади. Илғор технологиянинг иш жараёни компьютерлар ёрдамида олиб борилади. Лазер сканерли саралаш ускунаси ювилган гилосни сақлаш муддатини аниқлаган ҳолда, алоҳида турларга ажратади. Сўнгра маҳсулот карахт ҳолга келтирилиб, музлатилади. Махсус қутиларга жойланган маҳсулот дўкондаги витринали музлаткичга етиб боргунга қадар шундай сақланади. Қиймати 72 миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа келгуси йил бошигача рўёбга чиқарилиб, йилига 150 тонна гилосни музлатилган ҳолда жамғариш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Наманган вилоятига сафари чоғида "Gold fresh fruits"нинг фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида бу ерда водий гилосчилик мактабини ташкил этиш бўйича ўз таклифини билдирган эди. Шундан келиб чиқиб, ушбу вазифа ижросига киришилди. Ўтган қисқа фурсатда илғор тажриба марказига айланган мазкур жамиятга Фарғона водийсидан ташқари, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан юзлаб боғбон ва мутахассислар ташриф буюришди.

— Бу ерга келаётганлар тажрибаларимизни яқиндан ўрганмоқдалар, — дейди агроном Дилмурод Арслонов. — Машғулотларда, асосан, гилосни ўтқазиш ва парваришлаш технологияси, жумладан, кўчатни пайвандлаш, ердан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Умуман айтганда, ушбу соҳанинг жадал ривожи мамлакатимиз экспорт салоҳияти ошишига хизмат қилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Янгилик







*Гулистон шаҳрининг қоқ марказидан асал ҳидига ўхшаш ифор таралмоқда. Боиси Ёшлар хиёбони ва Хотира майдони атрофидаги жўка (липа) дарахтлари илк бор гуллади.*

*Муболаға эмас, Мирзачўл воҳаси ер шароитида ниҳол кўкартириш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шу маънода, Италиядан келтирилган, асосан, субтропик минтақаларда ўсадиган жўканинг 150 туп кўчати тўлиқ тутганлигини воқеа дейиш мумкин.*

# Гулистонда жўка гуллади

— Мазкур дарахтнинг иқлим ва тупроғимизга мослашиши учун бир йил вақт кетди, — дейди Гулистон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Абдуқул Отабоев. — Уларни ҳозирги баравж ҳолатга келтиргунча кўплаб агротехника тадбирларини амалга оширдик. Хусусан, кўчат жойлаштирилган тупроқни гумус билан тўйинтирдик. Ниҳолларни жазирама иссиқдан сақлаш учун махсус мато билан ўраб чиқдик ҳамда кучли шамоллардан ҳимоя қилиш ва сарвқомат бўлиши мақсадида ҳар бирига таянч мосламалари ҳам ўрнатдик. Яна бир жиҳати, бевосита жўка парвариши билан доимий шуғулланадиган алоҳида гуруҳ туздик.

Бинобарин, иштиёқ ва интилиш бўлса, тошда ҳам гул кўкартириш мумкин. Бунга тобора гуллаб-яшнаётган Гулистон шаҳрида жўка сингари яна кўплаб ноёб дарахт ва гулларни ўстириш йўлга қўйилганлиги мисолдир. Хусусан, ҳозир шаҳарнинг ҳақиқий маънавий-маърифий марказига айланган "Билимдонлар маскани" ҳамда Тўра Сулаймон номли амфитеатр ҳудудларига лола дарахтлари ўтқазилган бўлса, Хондамир кўчаси бўйларида настаринлар кўкка бўй чўзмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тақдимот



# «ҚОРАБАЙИР ОТЧИЛИК МАЖМУАСИ» ОЧИЛДИ

*Яккабоғ туманида яқинда қуриб битказилган "Қорабайир отчилик мажмуаси"нинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси вакиллари, вилоят ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижий меҳмонлар ва журналистлар иштирок этди.*

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида миллий ифтихоримиз саналган қорабайир отлари ва ҳар бир ўзбек ўғлонининг қонига сингиб кетган туғма чавандозлик хусусияти ҳақида алоҳида тўхталган эди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июнда "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида бунёд этилган мазкур мажмуа мамлакатимизда йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга бўлган алоҳида эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

"Шўртан газ-кимё" мажмуаси мутасаддиси Фарҳод Бердиқуловнинг таъкидлашича, қарийб 6 ойда қуриб битказилган мазкур замонавий мажмуада 34 миллиард сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Унда мухташам ёпиқ манеж, сайёҳлар ва меҳмонлар учун мўъжаз меҳмонхона, 80 ўринли ресторан, шунингдек, от спорти жокейларини ўқитишга мўлжалланган ўқув хоналари, машғулот ўтиш заллари мавжуд. 200 отга мўлжалланган ушбу мажмуа фаолияти ўз номи билан қорабайир зотли отларни кўпайтириш ва тайёрлашга қаратилган. Отларни спортга тайёрлаш учун барча шароит мавжуд.

Мажмуага 50 бош қорабайир от олиб келинди. Улардан насл олиниб, сонини 200 га етказиш режалаштирилган.

Мажмуанинг очилишига бағишланган тадбирда от спорти мусобақалари, кўргазмали чиқишлар ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

### Хабар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 7 АПРЕЛДАН 13 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 16 мартдаги 62-сон "Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1505-1 (2018 йил 10 апрелдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/4-сон "Ўзбекистон Республикаси автоматлаштирилган банк тизимларидаги антивирус ҳимояси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 910-1 (2018 йил 10 апрелдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 217-мҳ-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 753-1 (2018 йил 10 апрелдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 218-мҳ-сон "Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларининг 6-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-3 (2018 йил 10 апрелдан кучга кирди).***

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 5 апрелдаги 4, 2-мб-сон "Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2633-3 (2018 йил 10 апрелдан кучга кирди).***

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 29 мартдаги 66-сон "Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361-1 (2018 йил 10 апрелдан кучга кирди).***

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2018 йил 4 апрелдаги 01-102-сон "Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 11 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2490-2 (2018 йил 11 апрелдан кучга кирди).***

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 31 мартдаги 83-сон "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техника институти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2997 (2018 йил 13 апрелдан кучга кирди).***

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 31 мартдаги 84-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2740-1 (2018 йил 13 апрелдан кучга кирди).***

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 5 апрелдаги 71, 12/2-сон "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига берилган ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган хорижий валютадаги кредитларни қайтаришда ўзаро ҳисоб-китоблар вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 180-1 (2018 йил 13 апрелдан кучга кирди).***

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 6 апрелдаги 72, 288-В-5-сон "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-5 (2018 йил 13 апрелдан кучга кирди).***

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 73, 01-02/8-32-сон "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий нормалари, шунингдек уларга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 412-3 (2018 йил 13 апрелдан кучга кирди).***

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 74, 01-02/8-31-сон "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни божсиз олиб киришнинг миқдорий нормалари, шунингдек уларга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 279-3 (2018 йил 13 апрелдан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти базасида идоравий ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилган ташкилотлар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2740, 2015 йил 14 декабрь).

***Адлия вазирининг 2018 йил 12 апрелдаги 223-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига берилган ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган хорижий валютадаги кредитларни қайтаришда ўзаро ҳисоб-китобларнинг вақтинчалик тартиби (рўйхат рақами 180, 1995 йил 6 октябрь).

***Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 224-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1675, 2007 йил 14 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1675-1, 2011 йил 7 апрель), (рўйхат рақами 1675-2, 2015 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 1675-3, 2015 йил 29 сентябрь), (рўйхат рақами 1675-4, 2016 йил 22 август).

***Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 225-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий нормалари (рўйхат рақами 412, 1999 йил 13 март), шунингдек уларга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 412-1, 2000 йил 7 июль), (рўйхат рақами 412-2, 2009 йил 3 сентябрь).

***Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 226-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

5. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни божсиз олиб киришнинг миқдорий нормалари (рўйхат рақами 279, 1996 йил 10 сентябрь), шунингдек уларга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 279-1, 2010 йил 20 январь), (рўйхат рақами 279-2, 2015 йил 21 апрель).

***Адлия вазирининг 2018 йил 13 апрелдаги 227-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

Халқ сўзи
2018 йил 23 май

## Муносабат

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда китоб мутолааси, ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида танланганини яна бир марта исботлади. Зеро, Чингиз Айтматов дунёга китоб берган, китоб орқали инсоният олдида турган муаммолардан халос бўлиш йўлини кўрсата олган адиб саналади.*



# Чингиз Айтматов сабоқлари

**XX** асрда жаҳоний шуҳрат топган адиблар анчагина. Аммо уларнинг орасида Чингиз Айтматов ўзининг фазовий тафаккур тарзи, инсон камолоти ҳамда тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни жасорат билан фош қила олган, айни пайтда дунё адабиётининг илғор анъаналарини ҳам миллий, ҳам умумтуркий адабиётга дадиллик билан олиб кирган, бу анъаналарнинг нафақат қирғиз, балки бутун туркий адабиётда синтезлашишига улкан ҳисса қўшган, асарларида ўртага ташланган масалалар қанчалик миллий бўлса, шунчалик умуминсоний эканлиги, умуман, адиб Ер сайёрасига, банибашарга тааллуқли энг оғриқли, энг изтиробли, энг долзарб муаммоларни бадиий ва фалсафий мушоҳадага айлантира олган, мазкур муаммоларга ўша пайтнинг ўзидаёқ олтита қитъанинг ҳам эътиборини қаратган, адабиётнинг замон билан уйғун келадиган нуқталарини топа олган улкан ва бетакрор истеъдод эканлиги — ноёб адабий ҳодисалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Туркий адабиётда дунё миқёсида Чингиз Айтматов даражасида тан олинган бошқа бир адибни тополмаймиз. Бошқа адибларнинг дунёвий кўламига заррача соя солмаган ҳолда, Айтматов асаричалик биронта туркий адабиёт вакилининг ижодий маҳсулоти ҳали дунёнинг 180 дан ортиқ тилларига ўгирилмаганини тан олиш керак. Жаҳонда саноқли адиблар эгаллаган чўққини туркий адабиёт вакилларидан ҳозирча фақат Чингиз Айтматовгина эгаллаб турибди. Бугунги кунда тадқиқотчилар адибнинг асарлари жаҳон тилларида 80 миллион нусхадан ошиқ чоп қилинганини эътироф этишмоқда. Бу факт адиб номини XX асрнинг энг кўп ва хўп муҳокама этилган Жан-Поль Сартр, Альбер Камю, Макс Фриш, Фридрих Дюрренматт, Габриэль Гарсиа Маркес, Варгас Льоса, Карлос Фуэнтес, Кэндзабуро Оэ каби сўз санъаткорлари сафидан жой олганини билдиради. Бу адиблар фақат бир асрда яшагани учун эмас, балки сўзга бўлган эътиқодларига, ўз даврига қарата айтган гапларига, ўз даврини муқаррар маънавий, экологик фожиалардан огоҳлантиришларига кўра ҳам жаҳон адабиётининг пешқадам вакиллари саналишади. Улар адабиётнинг тасаввур, дид, ифода, шартлилик усулларини ислоҳ этишди, XX аср сўз санъатини янги босқичга, янги мақомга, янги чўққига кўтарган ўзидан олдинги салафларининг муносиб издошлари эканини ижодлари, хизматлари, адабиётга, Сўзга қўшган ҳиссалари билан исбот қилиб бердилар.

Чингиз Айтматов асарларида кўтарилган муаммолар юқорида номлари зикр этилган адиблар ўртага ташлаган ва таҳлил қилган муаммолар ҳамда шу даврнинг адабий мароми билан уйғун ва ҳамоҳанг эдики, адиб инсон ҳамда олам ҳақида ўз оғриқларини, изтиробларини, ўй-кечинмаларини, катта ҳарфларда ёзиладиган, янги даврда тобора камайиб бораётган Инсон ва инсоний фазилатлар ҳақидаги орзу-армонларини асарлари орқали баён этиб берди. XX асрнинг буюк адиблари Франц Кафка, Жеймс Жойс, Альбер Камю, Уильям Фолькнер, Марсель Пруст, Эрнест Хемингуэй, Томас Элиот каби маҗруҳлашиш, маҳкумлашиш, моҳиятсизланиш сари юз тутган Инсон Қалбини ҳимоя қилди, унинг ташқи ҳамда ички тажовузларини, таҳдид ва таъқибларини кўрсатиб, таҳлил қилиб, асослаб берди. Мафкуралар, таълимотлар, ғоялар топтаб ташлаган инсон шаънини, инсон номини, инсон ғururини Сўз майдонида ҳимоя қилди; сўз билан, қалам билан технократлашаётган, моддийлашаётган, манфаатлашаётган, мафкуралашаётган, ўзини яратган асосдан тобора узоқлашиб, узилиб, ёлғизлик, маънисизлик, худбинлик, ёвузлик, жоҳиллик сари кетаётган башарий залолатга, башарий маҳкумликка, башарий манқуртликка, башарий қабоҳатга қарши муросасиз курашди.

Гап шундаки, юқорида номлари зикр этилган дунё адабиёти вакилларининг ҳар бири алоҳида дунё: жаҳон адабиётида ўз услублари, ўз қарашлари, инсонни таҳлил этишдаги ўз йўналиш, ўз оҳанг, ўз концепцияларига эга. Кафка, Камю, Сартрлар дунёга, одамга экзистенциалистик ёндашган бўлса, Макс Фриш, Фридрих Дюрренматт, Кэндзабуро Оэ асарларида биз технократлашаётган, ўз табиий заминидан узилган инсоннинг ботиний дунёси манзаралари ҳамда фожиаси таҳлилини кўрамиз. Габриэль Гарсиа Маркес, Карлос Фуэнтес, Варгас Льосалар Борхес, Онетти, Педро Парамолар реаллик билан рўё, воқелик билан тасаввур фусункор реализм адабиётининг ажралмас бўлаги, ҳатто инсонни тадқиқ этишдаги янги усули эканини исботлаб беришди. Бу услубда эртаклар, мифлар, афсоналар, ривоятлар, хаёл бадиий воситага айланиб кетади, бадиий шартлилик янаям шаффофлашади, инсон ботинининг ифодаси янаям бадиийлашади, жозибалашади, тимсоллашади, чуқурлашади. Чингиз Айтматов эса XX асрга хос услубларни, жумладан, юқорида номлари зикр этилган ёзувчиларга хос бўлган барча услубни, янги ифода усулларини, қарашларни, ташбеҳу талқинларни ўз ижодида, ўз бадиий оламида бирлаштира олди.

"Жамила", "Юзма-юз", "Бўтакўз", "Эрта қайтган турналар", "Сарвқомат дилбарим" каби қиссаларда инсонга ва воқеликка экзистенциалистик муносабатни кўрсак, "Оқ кема", "Она ер", "Асрга татигулик кун", "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" асарларида биз фусункор реализмга хос бўлган услубни — миф ҳамда асотирларнинг, шартлиликнинг, фантасмагориянинг бадиий воситага айланиб кетганини, "Кассандра тамғаси", "Фудзиямага оғиш", "Кунда" (ўзбек тилига "Қиёмат" деб таржима қилинган) асарларида технократлашаётган инсон фожиаси таҳлилини кўрамиз. Шунга кўра, қатъият билан айтиш мумкинки, Чингиз Айтматов жаҳон адабиётининг XX аср 60 — 90-йилларига хос бўлган барча услуб, йўналиш, муаммо, масала, таҳлил, ифода усули, умуман, барча илғор анъаналарини ўз ижодида намоён эта олгани, ижодий лабораториясида синаб кўргани, синтез қилгани билан ҳам эътибору эътирофга лойиқ адибдир. Зотан, Чингиз Айтматов замонавий туркий адабиётга жаҳоний кўлам, жаҳоний миқёс, жаҳоний нигоҳ олиб кирдики, буюк ва бетакрор асар "Бобурнома"дан сўнг дунё назаридан четда қолган туркий бадиий тафаккурга яна банибашар эътиборию эътирофини қарата бошлади. Ана шу хизматининг ўзиёқ Чингиз Айтматовнинг нафақат қирғиз ёки умумтуркий, балки жаҳон адабиётида мустаҳкам, метиндек фахрли, шарафли ўрни борлигини кўрсатади.

Адиб энг сўнгги асаригача инсон қалбини, унинг кўнглини ҳимоя қилди, унинг маънавий таназзул ботқоғидан қутулишидан умид узмади. Биз Жамила, Асал, Бола, Мўмин, Тўлғоной, Эдигей, Авдий ва бошқа образларда инсонга хос қалб тароватини, инсоннинг келажаги ҳамда эртасига, унинг иродаси ва қудратига ишончни ҳис этамиз.

"Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" асари инсонга бўлган умиднинг ёрқин намунаси саналади. Болани — келажакни сақлаб қолиш учун, энг сўнгги томчи сувни ичиб қўймаслик учун катталар бирин-кетин ҳалок бўлишади: агар катталар ўзларини келажакни — болани сақлаб қолиш учун қурбон қилишмаганда чанқоқликдан бола — келажак ҳам ҳалок бўларди. Сўнгги томчи сув билан тирик қолган бола ўз манзилига — она маконига етиб боради. Бу инсон ва унинг елкасидаги масъулият ҳақидаги, баниолам ҳамда одам учун келажакни сақлаб қолиш ҳақидаги тимсолий хулоса, тимсолий ҳикмат эди. Ҳақиқий инсон ўзи яшаб турган замин, сайёра, уй эртага болаларига ҳам қолиши учун бугунги сўнгги обиҳаёт томчиларига айланаётган маънавий, инсоний фазилатларни, эзгуликни, олам ва табиат билан уйғунликни асраб қолиши, уни авлодларга етказиши шарт ҳамда зарур. Инсонни фақат шу йўл қутқара олади, фақат шу йўл билан келажак асраб қолинади.

Чингиз Айтматов асарларини ўқиган ҳар бир ўқувчи ҳаёт, инсон, олам, тириклик ҳақида олам-олам сабоқлар, хулосалар, фикрлар оладилар. Бу сабоқлар уни маънавий комиллик сари йўлга ундашига, бу йўлда ўқувчига мадад беришига, маёқ ва сабоқ вазифасини ўташига шубҳа йўқ. Зеро, китоб мутолааси инсон учун ҳамиша маънавий сабоқ ҳамда маънавий маёқ вазифасини ўтайди, уни ўтмишдан сабоқ олиб, келажак учун яшашга ўргатади.

**Назар ЭШОНҚУЛ.**

## Диққат, эълон!

# 24-25 МАЙ КУНЛАРИ «КИТОБ БАЙРАМИ» ЎТКАЗИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3271-сонли қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2018 йил 24-25 май кунлари "Китобхонлик маданиятини юксалтириш буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим кафолатидир" шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида Республика "Китоб байрами" тадбирлари ўтказилади.*

"Китоб байрами"дан кўзланган асосий мақсад — китобнинг жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг ёрқин хотирасини, замонамиз қаҳрамонлари тимсолини ҳаққоний ва халқчил акс эттирувчи адабиётлар салмоғини оширишда адиб ва ноширларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишдир.

Икки кун давомида бўлиб ўтадиган тадбир доирасида:

пойтахтимизнинг маркази — Сайилгоҳ кўчасида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида республика нашриётлари томонидан китоб маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади;

"Намунали китоб дўкони" танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими, турли хил сўровнома ва акциялар ўтказилади;

"Китоб байрами" кунларида, шунингдек, мушоиралар, адабий учрашувлар, шахмат ва шашка мусобақалари ҳам ташкил қилинади;

таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод соҳиблари, шунингдек, Республика ёш томошабинлар театри ва Республика қўғирчоқ театрининг ҳамда турли болалар санъат гуруҳларининг "Китобсеварларни қутлаймиз!" номли чиқишлари уюштирилади;

"Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон", "Ёш китобхон" каби совринли викториналар ва "Китоб ўқишни ёқтирасизми?" мавзуида ижтимоий сўровлар ўтказилади;

"Китоб байрами" қатнашчилари ҳисобланган нашриётлар, ижодий уйлар ва матбаа корхоналари ўртасида "Энг фаол иштирокчи" ҳамда "Энг яхши стенд" номинацияларида танлов ўтказилади ва ғолиблар ташкилотчилар томонидан тақдирланади.

Сиз икки кун давомида "Китоб байрами"да бевосита иштирок этишингиз, ноширларимиз томонидан чоп этилган янги китоблар билан танишишингиз, ўзингиз ва фарзандларингиз учун турли китобларни харид қилишингиз мумкин.

Барча китобсеварларни Республика "Китоб байрами"га таклиф этамиз!

**Ташкилий қўмита.**

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**«Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси биноларидан фойдаланиш дирекцияси» ДУК**

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар, Мирobod тумани, Ойбек кўчаси, 18-уйда жойлашган биносини капитал таъмирлаш бўйича**

**тендер савдоларини эълон қилади.**

***Қурилиш ишларини молиялаштириш*** бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Қурилиш ишларини тугатишнинг буюртмачи томонидан белгиланган муддати*** — 100 иш куни.

Буюртмачи томонидан объектни таъмирлашга белгиланган маблағнинг энг юқори миқдори:

— 3 305 953 861,00 сўм ҚҚС билан;
— 2 754 961 550,00 сўм ҚҚСсиз.

***Буюртмачи*** — «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси биноларидан фойдаланиш дирекцияси» ДУК.

***Тендер савдоларини ўтказиш учун масъул*** — «INDUSTRIAL TECHNO CONSULT» МЧЖ.

Тендерда иштирок этувчи корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: тендер савдосига қўйилган умумий маблағнинг 20 фоизи миқдорида айланма маблағга эга бўлиши ёки кўрсатилган маблағга банк кафолати мавжудлиги, ишлаб чиқариш базасига, иш (хизмат)ни бажариш учун зарур меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, тендер объектига ўхшаш объект иш тажрибасига, шартнома (битим) имзолаш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлиши.

Таклиф этилган шартларга розилик билдирган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари ҳамда фирмалари тендер савдоларида қатнашишлари мумкин.

Юридик шахслар бирлашмалари — консорциумлар тендер савдоларига қўйилмайди.

Тендер иштирокчилари ўз таклифларини тайёрлашда буюртмачига лойиҳа-смета ҳужжатлари, шунингдек, чизмаларни тақдим этишларини сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Буюртмачи тендер қатнашчиларига биринчи талабдаёқ сўралган ҳужжатларни тақдим этади.

Тендер бўйича таклифлар ҳафтанинг иш кунларида **соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олой кўчаси, 23-уй.**

**Телефон: (0-371) 233-28-19.**

***Тендер бўйича таклифларни тақдим этиш муддати xarid.uz махсус информацион порталида эълон қилинган сана (2018 йил 11 май)дан бошлаб — 30 кун.***

Конвертларни очиш, таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш тендер бўйича таклифларни бериш муддати тугаган санадан бошлаб 60 кун ичида ўтказилади *(тендер бўйича таклифларни белгиланган муддатда тақдим этган тендер қатнашчиларига масъул шахс томонидан хабарнома юборилади).*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Истиқлол кўчаси, 47-уй.**

**Телефон: (0-371) 233-71-56.**

Тендер савдолари бўйича тўлиқ маълумотлар xarid.uz сайтига (корпоратив харидлар, тендер эълонлари) жойлаштирилган.

462R/239

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!*

**XALQ BANKI — АТ Халқ банки Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлимида**

**банк хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш мақсадида капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.**

Лойиҳа қиймати: ҚҚСсиз — 798 654 297 сўм.

Танлов комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 9-уй.

Телефонлар: (+99871) 281-47-13, 281-42-58. Факс: 281-43-28. E-mail: a.xolmanov@xb.uz

Танлов ўтказилиши шартлари ҳақида қўшимча маълумот ҳамда техник талабларни ҳафтанинг душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар ёки www.xb.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Тижорат таклифлари корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, конвертларда 2018 йил 6 июнь соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

463R/5

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига «Ўзбекистон Республика Товар-хом ашё биржаси»га тегишли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 31-«А», 31-«В» рақамли 2-қаватли туражой бинолари қўйилмоқда. Умумий майдони — 0,1284 га., қурилиш ости майдони — 213,28 кв.м., ҳовуз, хизматчи хона, бостирма ва қозонхонадан иборат.

***Бошланғич баҳоси — 617 592 068 сўм.***

Аукцион савдоси 2018 йил 25 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 25 июнь куни сотилмаган тақдирда, 2018 йил 10 июлдаги такрорий савдода мулкнинг бошланғич баҳоси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда — **555 832 861 сўм**дан бошлаб ўтказилади.

Шунингдек, 2018 йил 10 июль куни ҳам мулк сотилмаган тақдирда, 2018 йил 25 июлдаги такрорий савдода бошланғич баҳо яна 10 фоиз арзонлаштирилиб — **500 249 575 сўм**дан бошлаб ўтказилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва низомининг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Davr bank» ХАТБ Олмазор филиалидаги ҳисоб рақамига: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519, савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар, закалат тўғрисидаги келишувга асосан тўлашлари шарт.

**Аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефонлар: (0-371) 228-80-27, 228-80-26.**
**www.1kms.uz**
**Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.**

Хизматлар лицензияланган.

458R/236

**«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ**

**боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камхаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.**

**«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга.**
**Дизель ҳамда бензин ёнилғисида ишлайди.**



Маҳсулотлар сертификатланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси.**
**Маълумот учун телефонлар: (+99890) 986-80-68, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-35-71.**

**www.motoblok.uz**

458R/237

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Тошкент фотосуратлар уйи директори Жарилқаған Изентаевга онаси

**Генжегул ая ТУРУМБЕТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6